Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 4 май, сешанба • № 53 (24.448).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбек кураши – жаҳон майдонида



Президент Ислом Каримовнинг кураш бўйича Биринчи Жаҳон чемпионатининг тантанали очилиш маросимидаги табрик сўзи

Азиз спортчилар!
Қадрли меҳмонлар!
Хонимлар ва жаноблар!

Авваламбор дунёнинг беш қитъасидан ташриф буюрган паҳлавонларни қадимий ўзбек заминида муборакбод этишга ижозат бергайсизлар.

Кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати Ўзбекистон пойтахтида ўтаётгани биз учун алоҳида аҳамиятга эгадир. Буни биз курашнинг асл ватани — Ўзбекистонимизнинг нафақат спорт майдонларида, умуман жаҳон тараққиётида ўзига хос, ўзига мос ўринга, нуфуз ва обрўга эга бўлаётганидан яққол далолат деб биламиз.

Ҳақиқатдан ҳам ўзбек курашида халқимизнинг руҳиятига, асл хислатларига азал-азалдан хос бўлган фазилатлар:

мардлик, жасурлик, бағри кенглик, рақибига нисбатан олижаноблик, ҳаллолик, инсонпарварлик фалсафаси мужассамлашган.

Бу қадимий заминда туғилиб-ўсиб, муборак номлари афсона-ю достонларга айланиб кетган Алп Эр Тўнга (Афросиёб), Алпомиш, Паҳлавон Маҳмуд сингари елкаси ерга тегмаган баҳодирлар кураш орқали ўзбек юртининг шонигашон қўшганлар, донғини бутун оламга таратганлар.

Бугун буюк аждодларимиз руҳини шод этиб, азал-азалдан халқимизнинг миллий ғурурига айланиб қолган ўзбек курашининг жаҳон майдонига чиқиши, унинг тан олиниши барчамизни бағоят қувонтиради.

Бугун, шу юксак спорт анжумани иштирокчилари ва меҳмонлари олдида туриб, ўзбек курашига меҳр қўйган, миллий федерациялар тузган барча чет эллик дўстларимизга, айниқса кураш бўйича биринчи чемпионатларини ўтказган Япония ва Боливия спорт жонкуярларига сиз, азиз дўстлар ва шахсан ўз номимдан алоҳида миннатдорлик билдиришга рухсат бергайсизлар.

Мен ишонаман: дунёга машҳур паҳлавонларнинг бебаҳо хизматлари туфайли халқимиз маънавий турмуш тарзининг ажралмас қисмига айланган кураш бугундан эътиборан янги ҳаётини бошлайди, янада юксалади, жаҳон узра кенг тарқалиб, турли миллатларга мансуб миллионлаб кишиларнинг севимли машғулотига айланади.

Сафингиздаги энг кучли курашчи полвонларнинг номлари эса биринчи жаҳон чемпионлари сифатида тарих зарварақларида абадий қолади.

Ишонаман: бугун майдонга чиқадиган ҳар бир ўзбек паҳлавони, ўзимизнинг йигит фарзандларимиз, «Қувончим, ифтихорим, ғурурим — Ўзбекистон!» дея курашга тушади ва шу замин номини оқлайди, мардлик ва шижоат кўрсатади.

Ўзбек кураши биринчи чемпионати анжуманининг барча иштирокчиларига, ташкилотчилари ва меҳмонларига ҳаяжонли учрашувлар, ёркин таассуротлар ва янги ғалабалар сурури, завқу шавқи ёр бўлишини тилайман.

Азиз дўстлар!

Мана шу бетакрор гўзал спорт залида тўпланган сиз азизларни ўрнингиздан туриб, бағрингизни кенг очиб, меҳмондўст халқимиз номидан: «Кураш Ватани — Ўзбекистонга хуш келибсиз» деб барча кураш иштирокчиларини табриклаб, қўллаб-қувватлашингизни сўрайман.

Кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионатини очиқ деб эълон қиламан.

Кураш бўйича Биринчи Жаҳон чемпионати иштирокчиларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти, Халқаро Кураш Ассоциациясининг фахрий Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовга МУРОЖААТИ

Муҳтарам Президент жаноби олийлари!

Курашни дунё миқёсига олиб чиқишда кўрсатган ташаббусингиз, тантанали очилиш маросимида сўзлаган нутқингизда биз, полвонлар шаънига билдирган самимий тилакларингиз учун Сизга чин юракдан миннатдорлик изҳор этамиз!

Биринчи Жаҳон чемпионати ўзбек кураши спортнинг бетакрор ва ўзига хос тури эканлигини яна бир бор намоён этди. Аминмизки, ушбу чемпионатнинг ўтказилиши спортнинг бу турига халқаро жамоатчилик эътиборини янада кучайтиради. Биз, кураш байрамининг иштирокчилари бўлган 48 мамлакат вакиллари ушбу ажойиб спорт турининг энг фаол тарғиботчилари бўламиз. Тошкентда ўтган ҳаяжонли кунлар, ҳалол ва қизғин беллашувлар хотирамизда умрбод сақланиб қолади.

Ишончимиз комилки, яқин келажакда ўзбек кураши Олимпия ўйинлари қаторидан ўзига муносиб жой олади, «XXI аср спорти» сифатида довруғ таратади.

Биз, мусобақа қатнашчилари Сизга, муҳтарам Президент, ўзбек кураши Олимпия ўйинлари дастуридан жой оладиган қувончли кунларни кўриш насиб этишини тилаб қоламиз.

Тошкент шаҳри,
1999 йил 2 май.

Кураш бўйича Биринчи Жаҳон чемпионати иштирокчиларининг Халқаро Олимпия қўмитаси Президенти Маркиз Хуан Антонио Самаранчга МУРОЖААТИ

Муҳтарам Самаранч жаноблари!

Биз, дунёнинг 48 мамлакатидан Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳрида тўпланган кураш бўйича Биринчи Жаҳон чемпионати иштирокчилари, Сизнинг Олимпия ғояларини дунёга кенг ёйиш борасидаги эзгу ҳаракатларингизни қўллаб-қувватлаймиз.

Биз мазкур чемпионат давомида Ўзбекистонда спортга қандай эътибор берилаётгани, мамлакат Президентининг бу соҳадаги ғамхўрлигининг гувоҳи бўлдик.

Биз, Биринчи Жаҳон чемпионатининг барча иштирокчилари, келгусида кураш бутун дунёдаги энг қизиқарли ва оммавий спорт турларидан бирига айланади ҳамда Сизнинг ёрдамингиздa Халқаро Олимпия қўмитаси томонидан Олимпия спорт тури сифатида эътироф этилади, деган ниятдамиз.

Ишонамизки, кураш Ўзбекистондагина эмас, умуман бутун жаҳонда Олимпия ғояларини тарғиб қилиш, халқлар ўртасида тинчлик, ўзаро дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшади.

Жаноб Президент!

Биз, иштирокчилар Сизга кураш бўйича Биринчи Жаҳон чемпионатининг Эсдалик Кубогини йўллаймиз ва у Халқаро Олимпия музейидан муносиб ўрин эгаллайди, деб умид қиламиз.

Тошкент шаҳри,
1999 йил 2 май.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

9 майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиниши муносабати билан амнистия тўғрисида

9 майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиниши муносабати билан, шунингдек, инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 20-бандига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Озодликдан маҳрум қилиш, шунингдек озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолардан қуйидаги маҳкумлар озод қилинсин:

а) иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган, шунингдек Чернобиль АЭСидаги ҳалокат оқибатларини бартараф қилишда иштирок этган шахслар;

б) аёллар, 60 ёшдан ошган эркаклар;

в) вояга етмаган ёшида жиноят содир этган шахслар;

г) биринчи ва иккинчи ғуруҳ ногиронлари;

д) амнистия қўлланиладиган чет эл фуқаролари;

е) бошқа давлатларнинг судлари томонидан ҳукм этилиб, жазони ўташ учун Ўзбекистон Республикасига берилган амнистия қўлланиладиган шахслар.

2. Уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган, шунингдек озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳамда эҳтиётсизлик оқибатида содир этган жинояти учун беш йилгача озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинсин.

3. Биринчи марта олти йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган ва белгиланган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисмини ўтаган шахслар жазодан озод қилинсин.

4. Биринчи марта ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган ва белгиланган жазо муддатининг камида ярмини ўтаган шахслар жазодан озод қилинсин, ушбу Фармоннинг 10-моддасида қайд қилинган жиноятларни содир этган маҳкумлар бундан мустасно.

5. Эҳтиётсизлик оқибатида содир этган жинояти учун беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этилган ва тайинланган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисмини ўтаган шахслар жазодан озод қилинсин.

6. Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўташ жойларидан ушбу Фармон қабул қилинган кунга қадар, қонунга мувофиқ жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштиришни қўллаш мумкин бўлган маҳкумлар озод қилинсин.

7. Ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган ва белгиланган жазо муддатининг камида ярмини ўтаган шахслар манзил-колонияларга ўтказилсин.

8. Мазкур Фармоннинг 1-моддасида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар, шунингдек, ижтимоий хавфи катта бўлмай қонунда озодликдан маҳрум қилишга нисбатан енгилроқ жазолар назарда тутилган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари ва судда кўрилмаган ишлар ҳаракатдан тугатилсин.

9. Мазкур Фармонга асосан жазодан озод қилинмайдиган шахсларнинг жазо муддатини ўталмаган қисми қуйидагича қисқартирилсин:

а) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга — учдан бир қисмга, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этганларга — ярмига;

б) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга — тўртдан бир қисмга.

10. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 150-163-, 216-, 216-1, 216-2, 244-1 моддаларида, 246-моддаси 2-қисмида, 247-моддаси 2, 3 қисмларида, 248-моддаси 2, 3 қисмларида, 270-моддаси 3-қисмида, 271-моддаси 3-қисмида, 272-, 273-моддаларида кўрсатилган жиноятларни содир этган шахсларга, ўта оғир жиноятлар учун судланганларга, ўта хавфли рецидивист деб топилганларга, шунингдек уюшган гуруҳ ёки унинг манфаатларини кўзлаб, ёҳуд жиноий уюшма таркибида жиноят содир этган шахсларга Фармоннинг 1-3, 6, 8-моддалари қўлланилмасин. (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддаси 4-қисми «а,в» бандлари билан судланганлар, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 272-, 273-моддаларида кўрсатилган жиноятларни содир қилган чет эл фуқаролари, шунингдек биринчи марта судланган аёллар бундан мустасно).

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 150-163-, 216-, 216-1, 216-2, 242-, 244-1 моддаларида, 247-моддаси 2-, 3-қисмларида, 248-моддаси 2-, 3-қисмларида кўзда тутилган жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан мазкур Фармоннинг 9-моддаси қўлланилмасин.

Жазо ўташ тартибини мунтазам равишда бузган маҳкумларга, шунингдек, илгари амнистия ёки афв этиш қўлланилганидан сўнг қасддан жиноят содир этган шахсларга ушбу Фармон татбиқ этилмасин.

11. Фармон матбуотда эълон қилинган кундан кучга киради ва тўрт ой мобайнида ижро этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 30 апрель

Оламшумул байрам

Мусобақада миллатимизга хос тантилик, мардлик, ҳаллоллик, олийжаноблик сингари инсоний фазилатлар намоён бўлди. Халқимизда қонида бор деган ибора юради. Бу дегани — аждод-авлоднинг улуғлиги, илдизининг соғлом ва бақувватлиги, қоларверса, хайрли ва савобли ишларга руҳлар мададкорлигидан нишонадир. Бугун баралла айтиш мумкинки, юртимиз пойтахтида оламшумул байрам бўлди. Карнай-сурнайлар янграб турди. Жаҳон чемпионатини Халқаро кураш ассоциацияси президенти К. Юсупов очди. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Халқаро кураш ассоциациясининг доимий фахрий президенти Ислом Каримов чемпионат иштирокчиларини ажойиб спорт байрами билан табриклаб, чемпионатни очиқ деб эълон қилади. Ўзбекона курашнинг завқидан баҳраманд бўлиш учун дунёнинг турли қитъаларидан Тошкентга ташриф буюрган полвонлар ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Ҳамиша биринчи бўлиш осон кечмас. Зеро, мусобақа ташкилотчилари нуфузли беллашувни илк бор ўтказилаётганини қалбдан ҳис этиб, ташкилий-тадбирий юмушларни шундай ўрнига қўйдиларки, бундан меҳмон-у мутасаддимутахассисларнинг кўнгиллари сув ичди. Кураш юртимизда азалий эканлиги, тарихи минг йилликлар билан боғлиқлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдилар. Жаҳон чемпионатининг ташкиллаштирилиши билан аввало курашимиз ютди, ўзини кўрсатди, дунёга ёйилди. Юртимизда кураш куртаклари бўртиб турганлигини «Юнусобод» ва «Жар» ўйингоҳларига тўпланган ёшу қарининг кўзларидаги севинчдан, самимий олқишларидан кўрса бўларди. Айниқса, хориждан келган полвонлар кураш мусобақасини ўйингоҳ, яъни очиқ майдонга ўрнатилган супачада ташкил қилинишидан мамнуният ҳосил қилдилар. Уларнинг таъкидлашича, энг қизиқарли ва нуфузли халқаро мусобақалар ҳам одатда ёпиқ майдонларда ўтказиларкан.

Курашнинг нуфузи ортиб бораётгани, спортнинг бундай тури билан шуғулланувчилар сафи кенгаётганини яна шундан билиш мумкинки, самбо бўйича биринчи жаҳон чемпионатига борийўғи 3 хорижий мамлакатдан вакиллар иштирок этган бўлса, тарихи 200 йилга яқин деб саналаётган дзю-до бўйича илк жаҳоний анжуманда 7 мамлакатдан спортчилар келишган экан. Кўз тегмасину, кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионатига қарийб 50 мамлакат ўз вакилини Тошкентга йўллади. Яна шуни қувонч билан қайд этишни истардик. У ҳам бўлса, халқаро кураш ассоциациясининг Тошкент қароргоҳида ўтказилган иккинчи конгрессида навбатдаги жаҳон чемпионати ҳам Ўзбекистонда ўтиши аён бўлди. Демак, 2000 йилда яна бир бор дунё кўрган полвонлар юртимизга келадилар. Қозоғистонда шу йили Осиё чемпионати ўтказиш мўлжалланмоқда. Вильнюсда эса кураш бўйича Европа чемпионати уюштирилади.

«Юнусобод» ўйингоҳида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатининг тантанали очилиш маросимида Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис Раиси ва Бош вазир ўринбосарлари, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов иштирок этди.

2-бетга қаранг

Ўзбек кураши бўйича биринчи жаҳон чемпионлари

Акобир
ҚУРБОНОВ

Камол
МУРОДОВ

Тоштемир
МУҲАММАДИЕВ

«И.О» қайси мансаб поғонаси?..

Ёки айрим ташкилот ва идораларнинг раҳбарлари нега йиллаб «И.О.» вазифасида ўтирадилар?

Газетамизнинг навбатдаги сонида Олий Мажлис XIV сессиясида белгиланган вазифалар хусусида ёшларимиз, талабаларнинг фикрлари билан ўртоқлашишни лозим кўрдик. Шу мақсадда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти раҳбариятига мурожаат қилдик. Иқтисодиётимиз равнақи шу соҳа билан бевосита боғлиқ. Уни ривожлантириш эса соҳа мутахассислигини эгаллаган ёшларнинг қўлида. Сессияда ҳам бу нарса таъкидлаб ўтилди.

Институтда амалга оширилаётган ишлар талайгина. Айтиш жоизки, мақтовга лойиқ. Талабаларнинг савияси, соҳа сирларини пухта ва мукаммал ўрганишаётганига эътироз йўқ. Улар давр талабини яхши англашади.

Институт ректорига учрашмоқчи бўлдик. Раҳбар ёрдамчиси у кишини мажлисда деб айтди. Ишларимиз тугаган эди. Ҳар ҳолда раҳбарнинг олдидан бир ўтиб қўймоқчи бўлдик.

Институт республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфида. Биз вазирликнинг кадрлар бўлими бошлиғи Ҳакимжон Ҳамидовга қўнғироқ қилиб институтдаги ижобий ишлар хусусида мақола тайёрламоқчи эканлигимизни айтдик.

— Жуда яхши. Абдураҳмон Ражабович талабчан, қаттиққўл, ўз ишининг фидойиси.

Луқма

Ташкилотчи раҳбар. «И.О.» бўлишига қарамай, астойдил ишлаётган раҳбар.

— И-е, у киши ректор эмасмилар ҳали?

— 1995 йилнинг 20 мартидан бери «И.О.».

Бунинг мақолага...

— Тўғри, ҳеч қандай дахли йўқ.

«И.О.» дегани , фалон лавозимда вазифани бажарувчи дегани. Яъни, ўзбекчасига қисқартма шаклда «В.Б.» бўларкан.

Шу ўринда бир нарсага эътибор берайлик. Биз юқорида айтиб ўтган институт мамлакатимизда ўз мавқеига эга олий ўқув юртларидан бири саналади. Балки шу боис ҳам институтга ректор тайинлаш бироз муаммо бўлиб турибдимикин?

Ислоҳотлар ўтказиш ва улкан кашфиётларга қўл уриш учун аввало ҳар қандай раҳбар «мен вақтинчалик лавозимдаман-ку», деган тушунчадан холи бўлиши керак. Йўқса, дадилликка путур етади. Чунки, «И.О.» деган атама халал бериб тураверади. Тўрт йилдан бери ректор вазифасини бажарувчи бўлиб ишлаб келаётган, шу билан бирга институтда хўп ва кўп ишлар қилиб улгурган Абдураҳмон Ражабов кўнглининг бир бурчида мен «И.О.»ман деган фикр ўрнашиб турган бўлиши ҳам мумкиндир, балки?..

Шуларни ёзаётиб, хаёлимиздан республикамиз миқёсида қанчалаб ташкилотлар ва идоралар раҳбарлари «И.О»лик поғонасида турибдийкин, деган ўй ўтади. Чунки, биз хизмат вазифамиз юзасидан мамлакатимиз бўйлаб сафарда бўлган чоғларимизда ҳам «И.О»ларга дуч келиб турамиз-да.

Қўчқор НОРҚОБИЛ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ишчанлик вазиятида

ХДП хабарлари

Диққат марказида: ҳисобот-сайловлар

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши XIX пленуми, партия Низомига мувофиқ, ташкилотнинг барча тузилмаларида навбатдаги ҳисобот-сайловларни ўтказиш ҳақида қарор қабул қилган эди. Партиянинг сиёсий-ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланишига хизмат қилишга даъват этилган ушбу мавсумнинг биринчи босқичида ҳисобот-сайловларнинг бошланғич ташкилотларда ўтказилиши кўзда тутилган. Апрель ойи давомида Ўзбекистон ХДПдаги 14.500 тага яқин бошланғич партия ташкилотларининг учдан икки қисмида шундай мажлислар бўлиб ўтди. Қорақалпоғистон Республикаси ва Андижон, Бухоро, Сирдарё, Қашқадарё вилоятларида ушбу кўрсаткич ундан ҳам юқори.

Ишчанлик руҳида, шовқин-суронларсиз, ўтаётган мажлисларда бошланғич партия ташкилотларининг меҳнат жамоалари ва аҳоли истиқомат жойларидаги серқирра фаолияти таҳлил қилиниб, ибратли ишлар маъқулланмоқда, камчиликлар танқид остига олинмоқда. Шунингдек, ХДП аъзоларининг ислоҳотларни чуқурлаштиришда янада фаолроқ иштирок этишларини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар белгиланмоқда, масъулиятни ҳис этадиган, обрў-эътиборли фаоллар БПТ котиблари ва ижроия бюро аъзолари этиб сайланмоқдалар. Диққатга сазовор жойи шуки, янги сайланган бошланғич партия ташкилотлари барча котибларининг, партия бўйича, ҳар тўрттадан биттаси, Тошкент шаҳрида — иккитадан бир нафари хотин-қиз. Ижроия бюролар таркибига сайланган аёллар сони бундан ҳам кўпдир. Албатта, мажлисларни тайёрлаш ва ўтказишда йўл қўйилаётган айрим камчиликлар ҳам йўқ эмас. Марказий Кенгаш Котибияти Чирчиқ шаҳар партия кенгашининг шу соҳадаги фаолиятини кўриб чиқиб, бу ҳақда қабул қилган ўз қарорида барча партия ташкилотлари диққатини мавжуд нуқсонларни бартараф этишга қаратди.

Партия Марказий Кенгаши Котибияти «Ўзбекистон ХДП Чирчиқ шаҳар кенгашининг, бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот- сайловларни ўтказиш бўйича, фаолияти ҳақида»ги масалани кўриб чиқди.

Қабул қилинган қарорда Ўзбекистон ХДП Чирчиқ шаҳар кенгашининг, бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов мажлисларини юксак ташкилий ва ғоявий-сиёсий даражада ўтказиш юзасидан, муайян ижобий иш олиб бораётганлиги қайд этилди. Чунончи, ушбу масалага оид, БПТ котиблари билан семинар-кенгаш ўтказилиб, мажлисларни уюштиришга оид тавсиянома ва маълумотномалар тайёрланди, «Чирчиқ» шаҳар газетасида мавсумни муваффақиятли ўтказиш вазифалари ҳақида мақола ҳамда тегишли тавсиялар эълон қилинди. Шу билан бирга, шаҳар партия кенгашининг эътибори айрим бошланғич ташкилотлар ҳисобида турувчи партия аъзоларининг йиғилишларда тўла қатнашмаётганлиги, мажлисларнинг ҳамма жойда ҳам уларнинг иштирокчиларининг етарли фаоллигида ўтмаётганлиги ва бу соҳадаги мавжуд бошқа камчиликларга қаратилди.

Марказий Кенгаш Котибияти Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, вилоятлар, Тошкент шаҳар кенгашларига, партия бошланғич ташкилотлари ҳисобот-сайлов йиғилишларини юксак савияда ўтказишга оид, қўшимча чора-тадбирлар кўриш вазифасини топширди. Шу мақсадда, ХДП бошланғич ташкилотларида, ҳисобот-сайловларнинг бориши тўғрисидаги масала партия кенгашлари ижроия бюро йиғилишларида кўриб чиқилиши, йиғилишлар мазмунини теран бўлишини таъминлаш, уларни пухта тайёрлаш, партия сайланма органларини жамоат ишларида фаол, одамлар орасида иззат-обрўга эга кишилар билан мустаҳкамлаш лозимлиги уқтириб ўтилди.

Ҳисобот-сайлов мавсуми жараёнида Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг Олий Мажлис XIV сессиясидаги маърузасидан, шунингдек, парламент йиғилишида қабул қилинган қонунлардан келиб чиқадиган долзарб вазифаларга алоҳида эътибор бериб, уларнинг мазмун-моҳиятини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш ҳамда мамлакат раҳбари олға сурган ғояларни ҳаётга татбиқ этишда партия аъзоларининг фаол иштирокини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Уларнинг бўлғуси партия конференцияларида ишлаб чиқиладиган чора-тадбирлар режаларида ўз аксини топиши мақсадга мувофиқдир, деб таъкидланди қарорда.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Ватандошларимиз Олий Мажлиснинг XIV сессияси материалларини қизғин ўрганмоқдалар

Фарзандлари қобил юрт

Яхши отга бир қамчи, деган соф ўзбекча гап бор. Лекин, жиддийроқ, расмийроқ гап кетаётганда бу ибора кўпам қўлланилавермайди. Бугун эса, ҳали қўлимга қалам тутиб улгурмасимданоқ, шу калима хаёлимни банд қилди. Ўйлаб кўрсам, айтмоқчи бўлган гапларим ростданам унга ҳамоҳангдай. Демак, улар ҳам соф ўзбекона экан.

Дунёда одамзод учун масъулиятни англаш, деган энг буюк вазифа бор. Уни хоҳлаган йўрғингизда, хоҳлаган фалсафа билан, хоҳлаганингизча талқин қилаверишингиз мумкин. Дейлик, фарзандлик масъулиятига тўхталамиз. Хўш, у нима ўзи?

Жавобларингиз тайёр, албатта. Рости гап, ҳаммамиз ҳам бу ҳақда тўхтовсиз гапиришимиз мумкин. Савол мазмунини озгина ўзгартирсакчи — Сиз бу масъулиятни қандай адо қилаяпсиз?

Назаримда, тилларимиз энди унчалик бийрон эмас. Кўзларимиз ҳам негадир чекка-чеккага қочади. Ўзимизни оқлаш учун ... лар излай бошлаймиз...

Яна савол туғилади — Президентимизнинг сессияда сўзлаган нутқларини тингладингизми, ўқидингизми? Кечирасиз, ўқидингизми уни?

Бу савол билан тенгқурларимни ҳадик ичида излай бошлайман. Ахир, улар турли соҳа вакиллари, бажараётган вазифалари ҳам бир-бирига ўхшамайди. Фикрларимиз бир жойдан чиқармикин? Кўзларимиз жасорат билан тўқнашармикан?

Яхши отга бир қамчи, деган соф ўзбекча гап бор. Буни ҳаммамиз биламиз, асрлар оша боболарнинг тўпори, жайдари, самимият назариясини, ҳаётнинг энг чуқур фалсафасини етаклаб келаётган бу мақол эса XXI аср бошида бизни яна силкиб уйғотадиганга ўхшайди, йўқ, уйғотганга ўхшайди. Ҳар ҳолда, қадамидан ўт чақнаётган ватандошларим менга шундан дарак бергандай бўлади. Масъулият садоқатли елкаларда, дея ишонгим келади.

Нурбек ТОШНИЁЗ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Аёл ардоқланган юртда...

Бекобод туманида ҳам бошқа жойларда бўлгани каби аёллар учун қулай иш ўринлари ташкил этилмоқда. Уларнинг фаоллигини ошириш учун маданий-маърифий анжуманлар ўтказилаяпти. Куни кеча туман марказлашган кутубхоналар тизимида Аёллар йили муносабати билан кутубхоначи ва китобсевар аёллар ўртасида кўрик-танлов ўтказилди. Унда иштирок этган аёллар зукколик, билимдонлик бахсида куч синашишди. Бу тадбир ҳар бир аёлни юксак маърифат соҳибаси бўлишликка ундади.

Шу билан бирга туманда аёллар ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатлар ҳам эътиборга моликдир. Сессия материалларидан келиб чиқиб туманда амалга оширилаётган амалий ишлар кишини қувонтиради. Маърифий-ҳуқуқий тадбирларнинг туб моҳиятида XXI аср ўзбек аёлининг жамиятдаги ўрни қандай бўлади, деган аниқ мақсад туради. Юртимиздаги ислоҳотлар жараёни эса кўзланган мақсадга эришишга имкон ҳозирлайди.

Насиба ҲАКИМОВА
Бекобод тумани «Зафар» қўрғони

Аҳиллик маҳалладан бошланади

Маҳалла кенгаши раислари орасида ёшлар бормикан, дея туман ҳокимлигига қўнғироқ қилдик. Пойтахтимизнинг Миробод туманидан олган жавобимиз эса нафақат бизни, туман раҳбариятини ҳам хурсанд қилди, десак адашмасмиз. Чунки, туманнинг Сариқўл маҳалласи оқсоқоли ишларидан улар жуда миннатдор экан. Қаҳрамонимизнинг эса айни пайтда тўй ташвишлари билан юрганлиги маълум бўлди. Бироқ, ёш оқсоқол шунга қарамасдан бизнинг илтимосимизни инкор қилмади. Шунинг ўзиёқ унга берилган энг катта баҳо бўлса керак.

— Агар ижозат берсангиз, мен гапни аввало ўзимиздан, ўзимиз деганим, маҳалладан бошласам. Шу пайтгача ҳам ҳукуматимиз маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларига катта эътибор бериб келмоқда. Аммо, Президентимиз галдаги сессиядаги нутқларида ҳамманинг эътиборини ана шу соҳага қаратгандай бўлди, назаримда. Яъни, жуда кўплаб муаммоларнинг ечими айнан маҳалла билангина ҳал бўлишини жамиятнинг ҳар бир аъзоси яхши англаб етиши, унга шунга яраша муносабатда бўлиши керак. Юқори ҳокимиятлар ваколатларини сакин-аста ўз-ўзини бошқариш органларига ўтказишдан мақсад ҳам шу, аслида.

Шу ўринда савол туғилади. Хўш, бунга биз, фуқаролар, маҳалла аҳли қандай жавоб беришимиз керак? Умуман бу жараёнга тайёрмизми? Мен ўйлайманки, биринчи навбатда ҳар биримиз аввало ўзимизни ислоҳ қилишимиз зарур. Шундан сўнггина маҳаллага бирлашиш осон кечади. Маҳалла кенгаши фаоллари шундагина бир ёқадан бош чиқариши мумкин. Яна бир гап, мен ўзим тажрибадан ҳам кўриб турибманки, маҳалла фаолларини танлашда адашиш мумкин эмас. Афсуски, кўп жойларда ҳали маҳалланинг кучини яхши англаб етишгани йўқ. Шу боис у ерда нафақага чиққан кекса кишилар ишлаяпти. Тўғри, отахонларнинг маслаҳати ҳамиша керак. Менингча, бугун маҳалла фаолларини ёш, уддабурон, маънавий етук, сиёсий ҳушёр йигит-қизлар билан ҳам тўлдиришга тўғри келмоқда.

Қудратилла РУСТАМОВ,
маҳалла оқсоқоли

Ватан хизматига шаймиз

Мустақиллик мезонлари

Мустақил ватанимиз тараққиётини сиёсий жиҳатдан етук, маънавий жиҳатдан баркамол ва иқтисодий жиҳатдан билимли ёшларсиз тасаввур қилиш қийин. Бу борада мамлакатимиз раҳбарияти томонидан бутун дунё халқлари орзу қилса арзигулик ишлар олиб борилмоқда. Айниқса «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг босқичма-босқич амалга оширилаётгани Ватанимиз ёшларининг келажаги порлоқ бўлишидан далолат. Айни пайтда ёшлар ҳам ватанимизнинг келажакда жаҳон андозаларига тўла жавоб бера оладиган, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришини ва халқимиз турмуш даражасининг ривожланган мамлакатлар сафида бўлишини хохлайди ва бунга эришиш учун қўлидан келган барча ишларни қилишга тайёр.

Президентимизнинг сессиядаги маърузаси эса мамлакатимизнинг XXI аср арафаси ва унинг дастлабки йилларидаги ривожланиш дастурини белгилаб берди, десак хато бўлмайди.

Бизга маълумки, иқтисодиётни барқарор ривожлантирмасдан туриб бошқа соҳаларда юқори натижаларга эришиш қийин. Шунинг учун ҳам ҳукуматимиз асосий эътиборни иқтисодиётга қаратиб, ушбу соҳада эришган ютуқларимизни қўллаб қувватлаган ҳолда давлат бошқаруви ролини чегаралаш, мулкчиликнинг турли шаклларини, айниқса хусусий мулкчиликни ривожлантиришни кенгайтириш ва уларнинг ҳуқуқларини мустаҳкамлаш каби томонларга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Биз ёшлар бу ишлардан тўғри хулоса чиқарган ҳолда мамлакатимиз тараққиёти йўлида астойдил меҳнат қилишимиз шарт деб ўйлайман.

Қурбон ЖУМАЕВ,
иқтисод фанлари номзоди, доцент

Умидбахш ғоялар

Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг яқинда бўлиб ўтган навбатдаги сессиясида сўзлаган нутқида билдирилган фикрларни давлатчилигимизни мустаҳкамлаш йўлидаги янги қадамлар дейиш жоиздир. Унда демократия, ижтимоий ҳаётимиз, иқтисодиётни ривожлантириш муаммолари, хавфсизлик ва бошқа ҳаётий масалаларга оид янги қарашлар баён этилган. Жамиятимизда аёллар ролини оширишга оид масалаларга давлатимиз раҳбарининг катта эътибор бераётгани эса бизларни янада қувонтирмоқда.

Мустақиллигимиз улғайиб бораётгани сари аёлларнинг фаоллиги, жамиятимиз ҳаётидаги роли ҳам ортиб бормоқда. Буни биз ўз ҳаётимиз мисолида ҳам кўриб турибмиз. Туманимиздаги «Шодлик» фуқаролар йиғини раиси Қ. Хўжабекова, «Фарғона» ҳудудий бошланғич партия ташкилоти котибаси Ў. Каримова, «Андижон» деҳқон-фермер хўжалиги бирлашмасидаги ўрта мактаб ўқитувчиси З. Шодмонова ва бошқаларни партиямизнинг фаоллари сифатида кўрсатиш мумкин.

Биз давлатимиз раҳбарининг нутқини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш ниятида туманимиздаги 12 та ҳудудий ва 8 та бошланғич партия ташкилотлари қошидаги «Маданият ва маърифат» марказлари ўчоқларидан самарали фойдаланамиз ва Президентимиз нутқида кўтарилган умидбахш ғоялар мағзини кенг жамоатчиликка синтдиришга астойдил ҳаракат қиламиз.

Маъсуда МУРОДОВА,
Ўзбекистон ХДП Оқолтин туман кенгашининг биринчи котиби.

Белдан ол, тез чил сол, ўзбек полвоним, Сен-ла фахрлансин, ЎЗБЕКИСТОНИМ

Танишинг: ғолибу совриндорлар

73 кг.гача вазнда:
1. *Акобир Қурбонов*
2. *Маҳтумқули Маҳмудов*
3. *Катсураги* (Бразилия)
4. *Хайрулла Насруллаев*

90 кг.гача вазнда:
1. *Камол Муродов*
2. *Армен Багдасаров*
3. *Бахром Авезов*
4. *Шуҳрат Хўжаев*

Мутлақ вазнда:
1. *Тоштемир Муҳаммадиев*
2. *Эрали Маҳмарасулов*
3. *Кардлос Эдуардо* (Бразилия)
4. *Ботир Хўжаев*

Ўзбек курашининг отаси бор

Франс ХУГЕНДАЙК, Халқаро кураш ассоциацияси ижроия қўмитаси аъзоси

— Серқуёш Ўзбекистон пойтахтида ўтказилган икки кун бетакрор воқеаларга бой бўлди. Аввало, шуни эътироф этишим керакки, полвонларга инъом этилган мовий-яшил либосларнинг Ўзбекистон Давлат байроғи рангида экани таҳсинга лойиқдир. Майдонда беллашаётган полвонлар қайси юрт, қайси элатдан бўлишмасин, уларни кўрган киши Ўзбекистонни эслаши табиий. Кураш янги аср спорти бўлиб қолади деб дадил айтса бўлади. Биринчи жаҳон чемпионатининг Тошкентда ўтказилиши нур устига аъло нур бўлди. Боиси, курашни ўрганиш учун полвонларнинг бу кўркам шаҳарга чоғланишлари табиий эди. Ўзбекистон том маънодаги кураш ватанидир. Менга маъқул келгани ҳеч бир давлатда бўлмаган эътибор, яъни юртбошингизнинг соғлом авлодни камол топтиришга алоҳида эътибор қилаётгани, хусусан, тарихи азалий ҳисобланган курашни яна қадр топишига бошчилик, қолаверса, раҳнома бўлиб тургани диққатга сазовор.

Дил сўзлари

Маънавият сарчашмаси

Гентаутас ВИЛЕЙТА, Халқаро кураш ассоциацияси вице-президенти

— Спорт, айни пайтда кураш миллат маданиятни оламга ёйиш омилларидан саналади. Курашнинг тарихи бир неча асрларга тенг экани, ўзбек халқи яралгандан бери беллашиш нималигини яхши билиши бизни спортнинг мазкур турини жаҳонга ўзига хос кўз-кўз қилиш учун ташриф буюришимизга сабаб бўлди. Ўйлайманки, яқин келажакда Тошкентда Кураш академияси ташкил этилади. Полвонларнинг ўзаро бел олишларидан шуни билдикки, кураш дунёда энг завқли ва мароқли спорт туридир. Спорт турлари кураш билан бойиганлигини мамнуният билан эътироф этгим келади.



Зўрлардан зўр чиқар

Кураш қоидасида баҳсни тик турган ҳолда давом эттириш белгиланган. Тик туриб курашишда эса ўзбекона ғурур уйғунлашгандай. Бор-йўғи икки кунгина давом этган жаҳон чемпионатининг бетакрор воқеалари силсиласи йилларга татигулик. Курашимиз жаҳоний мақом олгани, спортнинг бу тури бўйича нуфузли халқаро мусобақа ўтказилаётгани ҳақида дунёга жар солинди. Томошалар ўнлаб мамлакатларга телевидение орқали узатилди. 4-5 соатлаб узлуксиз тўғридан-тўғри репортаж олиб борган шарҳловчилар Рихситилла Умаров билан Давлат Турдиалиевнинг хизматлари ҳам муносиб бўлди.

Маълумки, мусобақанинг тантанали очилиш маросимидан кейин «Юнусобод» ўйингоҳида дастлабки давра беллашувлари уюштирилди. 90 килограммгача бўлган курашчилар беллашувини қозоғистонлик Павел Коробкин билан кореялик Пак Сумбон бошлаб беришди. Ёнбош ва чала баҳосини олган Павелнинг қўли баланд келди. Шунингдек, ўзбекистонлик Бахром Авезов, Камол Муродов, Армен Багдасаров, Шуҳрат Хўжаевлар ҳам соф ғалабага эришиб, муносиб олқишландилар. Йигитларимиздан Акобир Қурбонов, Хайрулла Насруллаев, тожикистонлик Алишер Каримов билан инглиз Девлс Джулианлар ҳам дастлабки ғалабага эришдилар.

Таниқли полвонлардан Махтумқули Маҳмудовнинг чиқишлари кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. У замбиялик Петрони иккита ёнбош ҳисобида мағлубиятга учратгач, иккинчи учрашувда қозоғистонлик Иванни ёнбош билан доғда қолдирди. Учинчи учрашувда эса ўз жамоадоши Хайрулла Насруллаевга рўбарў бўлди. Махтумқули 1 дақиқа, 41 сонияда рақибини енгди ва финалга чикди.

Шундай қилиб иккинчи давра баҳслари бошланди. Энди биринчи даврада имкониятни бой бермай курашни давом эттириш имкониятига эга бўлган полвонлар бирин-кетин ўртага туша бошладилар. Бу гал йигитимиз Элбек Орипов, мўғулистонлик Холлун Болдбаатар, латвиялик Бурба, тожик ўғлони Алишер Каримов, россиялик Руслан Газзаевнинг қўллари баланд келди. Лекин уларга ҳал қилувчи беллашув насиб этмади. Паҳлавонимиз Акобир Қурбонов икки марта кетма-кет ғалабага эришгач, учинчи гал молдован курашчисини 40 сонияда курагини ерга теккизди. Тўртинчи марта ўртага чиққанда бразилиялик Котсурагини чала ва ёнбош ҳисобида ютиб финалга йўлланма олди. Мухлислар эса чемпион номини аниқловчи финал беллашувини орзиқиб кутардилар. Олқишлар остида Акобир билан Махтумқули кураш гиламига тушадилар. Чаққон ва чапдастликни ўрнига қўйган Акобирнинг гулдурос қарсаклар остида қўли баланд кўтарилади. 90 килограммгача бўлган полвонлар беллашувида эса яна икки курашчимиз ўзаро баҳслашди. Камол Муродов билан Армен Багдасаровнинг беллашувлари бир дақиқаю ўн сония давом этиб, Камол ҳам жаҳон чемпиони номига сазовор бўлди. Олдинда эса 90 килограммдан оғир вазнли полвонлар беллашуви турарди.

Мутлақ ғолибни кўринг

Мутлақ чемпионни аниқлашга мутахассислар катта эътибор берадилар. Боиси, бундай беллашувда полвонларнинг ёши, вазни инобатга олинмайди. Кимнинг кимлигию, маҳорату шижоати ана шундай олишувларда намоён бўлиши кузатилган. Бу гал ҳам қизғин ва муросасиз куч синашувлар авжга минди. Таъбир жоиз бўлса жанг асосан ярим финални кўзлаган бразилиялик Кардлос Эдуардо, Тоштемир Муҳаммадиев, Эрали Маҳмарасулов ва Ботир Хўжаевлар ўртасида давом этди. Сирасини айтганда, Бразилияда футбол ривож топган десак, курашга қизиқувчилар ҳам бор экан. Хусусан, Кардлоснинг беллашувлари кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Уни бир баҳя кам чемпион десак ҳам бўларди. Лекин кураш бўйича андак тажрибасизлик унга панд берди. Бўлмаса шердек ҳамласи, абжирлиги, ўзига хос «артистлиги» диққатга сазовор. Агар учинчи беллашувда полвонимиз Муҳаммадўстни икки ёнбош ҳисобида ютиб, Тоштемирга ютқазмаганда финалга чиқарди. Тоштемир эса тўртинчи учрашувни ҳам ўз фойдасига ҳал қилиб, финалга чикди. Эрали ҳам сира бўш келмади. У қозоқ курашчиси Коробкинни, латвиялик Бурба, кейин ҳамюрти Ботир Хўжаевларни доғда қолдириб, мутлақ ғолиб номини олиш учун имкон берадиган беллашувга йўлланма олди. Шундай қилиб, Тоштемир билан Эрали финалда ўзаро рўбарў бўлдилар. Омад эса Тоштемирга кулиб боқди.

Ғолибу совриндорларни шарафлаш, уларга олтин нишону эсдалик совғаларини топшириш ҳам тантанавор руҳда ўтди. Унда Халқаро Кураш ассоциацияси иккинчи конгресси қатнашчиларининг мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовга йўллаган Мурожаатномаси ўқиб эшиттирилди. Чемпионатнинг ёпилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Т.Рисқиев, Бош вазир ўринбосари, Кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионатини ўтказиш ташкилий қўмитасининг раиси Ҳ. Кароматов, Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов иштирок этди. Мухлислар эса ажойиб спорт байрамидан унутилмас таассуротлар билан тарқалдилар.

Ҳайдар НОСИРОВ

***

Суратларда: кураш бўйича Биринчи Жаҳон чемпионатидан лавҳалар. Абдувоҳид ТЎРАЕВ, Алишер РИСҚИЕВ, Муҳаммад АМИН (ЎзА) ва Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

Ўринбосар қамалди

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарда маълум қилинишича, Қозоғистон ҳарбий суди давлат хавфсизлиги қўмитаси раҳбарининг собиқ ўринбосари Раис Хадеевни ватанга хиёнат қилганликда айбдор деб топиб, уни 10 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилди.

Суд жараёни давомида Р. Хадеевнинг хориждаги махсус хизмат вакиллари билан алоқада бўлиб, уларга давлат аҳамиятига молик махфий маълумотларни етказиб турганлиги тўла исботланди.

Сайловдан кейинга қолдирилди

Фаластин Озодлик ташкилоти марказий кенгашининг яқинда бўлиб ўтган навбатдан ташқари йиғилишида 4 май куни мустақиллик эълон қилмасликка қарор қилинди.

Бир неча кун муқаддам, Фаластин раҳбари Ёсир Арафотнинг қатор мамлакатлар бўйлаб сафари ниҳоясига етган бўлишига қарамай, бу масала ҳамон ноаниқ эди. Чунки Ё. Арафот маслаҳатлашган давлатлар раҳбарларининг кўпчилиги унга тадбирни кечиктириб туришни маслаҳат берганди. Сабаби, Исроилда жорий йилнинг 17 май куни парламент сайловлари ўтказилиши кутилмоқда ва уларда мухторият мустақиллигига қарши кучлар ҳам иштирок этади. Агар шу кучлар сайловларда енгиб чиққудек бўлса, Фаластин ва умуман Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш муаммосининг ечими янада чўзилиб кетиши мумкин.

Фаластин миллий маъмурияти вакиллари шуни ҳисобга олган кўринади, йиғилишда мустақилликни Исроилдаги сайловлардан кейин, июнь ойида эълон қилишга келишиб олинди.

Ўзбекистон ва жаҳон

Германияда таълим тизими қандай?

Германия олий ўқув юртлари ректорлари кенгашининг таклифига кўра мамлакатимиз олий ўқув юртлари ректорлари кенгаши сафида Германияда бўлдим.

Дастлаб Бонн шаҳрида Германия олий ўқув юртлари ректорлари кенгаши билан ҳамкорликда «Германия олий таълим системасининг тузилиши, ривожланиши» ва «Германия ва Ўзбекистон олий ўқув юртлари ректорлари кенгаши таркиби ва вазифалари» мавзуларида икки кунлик семинар ўтказилди. Семинарда олий ўқув юртларининг халқаро алоқалари, Германия ва Ўзбекистон олимлари орасида турли хил халқаро программаларни биргаликда бажариш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Германия сафари таассуротлари ҳақида гапирар эканмиз, олий ўқув юртлари кенгаши у ерда ихтиёрий бирлашма бўлиб, 1949 йилда ташкил топган ва ҳозирги вақтда ўз таркибига 258 та Германия олий ўқув юртларини бирлаштирганлигини ва булар жумласига махсус олий ўқув юртлари, университетлар, педагогика олий ўқув юртлари ва бошқалар кирганини таъкидламоқ керак.

Германия олий ўқув юртлари кенгашининг мақсади олий таълим тизимида илғор фикрларни шакллантириш, олий ўқув юртлари манфаатларини ҳимоя қилиш ва улар орасида ўзаро фойдали ҳамкорликлар ва бошқа тадбирларни амалга оширишдир. Германиядаги Гумбольдт номидаги университетда бўлишимиз бизда айниқса, катта таассурот қолдирди.

Бу университет 1810 йилда ташкил топган. Бу ерда нисбийлик назариясининг асосчиси Альберт Эйнштейндек буюк инсонлар ишлаган. Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, бу университет ташкил топган вақтидан ҳозиргача бу ерда ишлаганлардан 29 киши Нобель мукофотини олишга муваффақ бўлган. Университетда 30 минг талаба ўқийди. Бундан ташқари техника университетида бўлиб, унинг фаолияти билан ҳам танишдик. Германия ўрта мактабларида ўқиш даври 12 йилни ташкил этиб, ҳар йили уларни битирган ўқувчиларнинг 32 фоизи олий ўқув юртларига ўқишга кирар экан. Мамлакатдаги жами олий ўқув юртларида ҳозир 2 миллионга яқин талабалар ўқишади. Германия университетларидан ташқари махсус олий ўқув юртларида ва академик коллежларда ҳам бўлдик. Университетларнинг махсус олий ўқув юртларидан фарқи— махсус олий ўқув юртларида илмий ишлар бажарилмайди, у ерда фақат ҳунар ўргатилиб, унда ўқиш муддати 4 йил. Университетларда талабалар мутахассисликлардан ташқари илмий ишларга ҳам жалб қилинади. Германияда таълим олаётган 2 миллионча талабанинг 70 фоизи университетларда ўқишади. Талабаларга ўқиш давомида давлат томонидан стипендия берилмайди. Бу ерда ётоқхоналар ҳам пуллик. Германия олий ўқув юртларида ўқиш учун талабалар пул тўламайди.

Олий ўқув юртларига талабалар мактабда олган билими рейтингларига қараб қабул қилинадилар. Юқори рейтингли ўқувчилар нуфузли олий ўқув юртларига ва мутахассисликларга қабул қилиниши мумкин. Рейтинги пастроқ бўлган ўқувчилар асосан махсус олий ўқув юртларига қабул қилинади.

Айрим университетларда талабалар илмий-тадқиқот ишларига кенг жалб қилинади. Масалан, Гамбург техника университетида талабалар дарсдан сўнг ҳафтада бир неча кун илмий лабораторияларда ишлашади. Германия олий ўқув юртларида ишлаб чиқариш амалиётларига катта аҳамият берилган. У ерда талабалар ўқиш давомида мутахассисликлари бўйича икки марта 13 ҳафтадан ишлаб чиқариш амалиётларини ўтайдилар. Бу ерда ишлаб чиқариш амалиётлари ўташ жойини талабаларнинг ўзлари топадилар.

Германияда олий ўқув юртларини маблағ билан асосан давлат таъминлайди. Лекин олий ўқув юртлари ишлаб чиқариш корхоналари билан ўзаро фойдали ҳамкорликда ишлаб, етарлича маблағ топадилар. Масалан, Гамбург техника университетига ўтган 1998 йилда давлат бюджети томонидан 90 млн. марка ажратилган бўлса, ҳар хил шартномалар асосида 45 млн. немис маркаси миқдорида маблағ ишлаб топилган. Берлин техника университетида эса бу кўрсатгич 120 млн. немис маркасини ташкил этган.

Булардан ташқари Германияда касб-ҳунар академиялари ҳам мавжуд бўлиб, уларда ўқиш муддати 2-3 йилни ташкил этади. Академияларда ҳар хил йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрланади. Касб-ҳунар академияларига қабул қилинадиганларга иккита шарт қўйилади. Ўқишга кирувчилар ўрта мактабни тугатганлиги ва ўқийдиган мутахассислигига мос корхона билан шартнома тузганлиги ҳақидаги ҳужжатга эга бўлиши керак. Улар ўқиш даврида семестр давомида 12-14 ва 7-10 ҳафталик назарий ўқишда бўладилар. Ўқишга кирувчилар билан шартнома тузган корхоналар академияларда ўқиш харажатлари учун ҳар ойига 200 немис маркаси тўлайди. Касб-ҳунар академияларида ўқиётганлар бир вақтда академия талабаси ва унинг ўқиши учун шартнома тузган корхонанинг ўқувчиси ҳисобланади. Ҳар бир талаба ўз корхонасидан ўқувчиларга тааллуқли тариф ставкаси бўйича маош олади.

Хуллас, сафар давомида Германия таълим тизими билан яқиндан танишишга муваффақ бўлдик. Мамлакатимиз ва Германия олий ўқув юртлари кенгашлари яқин келгусида амалга ошириладиган ишлар хусусида келишиб олдилар.

Муродулло НОРМУРОДОВ,
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ректори, физика-математика фанлари доктори, профессор



Даромад кўпайди

Хитойнинг Юньнань вилояти жорий йилнинг январь-март ойларида сайёҳликдан 4,07 миллиард юан даромад олди. Бу кўрсаткич ўтган йилгидагига нисбатан 20,6 фоиз кўп.

Ўтган уч ой давомида Юньнань вилоятига 8 миллион киши, жумладан, 700 минг хорижлик сайёҳ ташриф буюрган. Вилоятда носайёҳлик бошқа соҳалардан келадиган даромадларнинг ҳам ошиб бориши кутилмоқда. Хусусан, вилоятда ободонлаштириш ва меъморлик бўйича халқаро ярмарка бошланган. Бу тадбир 31 октябргача давом этади.

Ракета ҳужумидан огоҳлантиради

АҚШ маъмурияти Тайванга ракета ҳужумидан огоҳлантирувчи, қиймати 800 миллион доллар бўлган радар тизимини сотишга розилик берди.

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарга қараганда, Вашингтонда томонлар ўртасида бир неча кун давом этган музокаралардан сўнг шундай қарорга келинган.

Навбатдаги музокаралар

ХХРнинг Жаҳон савдо ташкилотига (ЖСТ) аъзо бўлиши масаласи бўйича АҚШ — Хитой навбатдаги музокаралари 16 май куни Пекинда бўлади. Икки томонлама экспертлар маслаҳатлашуви якунида шунга келишилди.

Яқинда Пекинда ХХРнинг ЖСТга аъзо бўлиш борасида Хитой — АҚШ маслаҳатлашуви бўлиб ўтган эди.

Музокаралар олиб боришмоқда

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси мухбирининг ёзишича, бир неча кун олдин Тожикистоннинг Ёвон район милиция бўлинмасига ҳужум қилган қуролли гуруҳ олти нафар милиция ходимини гаровга олиб кетган эди. Маълум бўлишича, улар қуролли мухолифат аъзоларидан бўлмиш Мансур Муакалов гуруҳида сақланаётган экан. Ҳукумат вакиллари ва бирлашган мухолифат вакилларидан иборат ваколатли комиссия ҳозир гаровга олинганларни озод қилиш масаласида музокаралар олиб бормоқда. Жангарилар гаровга олинганлар эвазига ўзларининг қамоқда ўтирган тўрт нафар одамини озод қилишни талаб этган.

(ЎзА)

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1999 йил 4 майдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади*

1 Австралия доллари	76,59	10 Люксембург франки	30,59
1 Австрия шиллинги	8,97	1 Малайзия ринггити	30,59
1 Англия фунт стерлинги	187,34	1 Германия маркаси	63,09
10 Бельгия франки	30,59	1 Польша злотийси	29,31
1 Голландия гульдени	55,99	1 СДР	157,08
10 Греция драхмаси	3,79	1000 Туркия лираси	0,30
1 Дания кронаси	16,61	1 Финляндия маркаси	20,75
1 БАА дирхами	31,65	1 Франция франки	18,81
1 АҚШ доллари	116,25	1 Швейцария франки	76,58
1 Миср фунти	34,01	1 ЕВРО	123,39
10 Испания песети	7,42	10 Жанубий Корея вони	0,98
100 Италия лираси	6,37	10 Япония иенаси	9,73
1 Канада доллари	79,37	1 Россия рубли	4,81
1 Хитой юани	14,04	1 Украина гривнаси	29,62

***)Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

Ислоҳот ва масъулият

Омонатчилар энди ранжимайдилар

Суҳбатдошимиз Қашқадарё вилояти Халқ банки бошқармаси бошлиғи Норбобо Усмонов

— Аҳолини ижтимоий ҳимоялашда Халқ банкининг олдида турган вазифалар ниҳоятда катта. Шу маънода ўтган йилда амалга оширилган ҳамда яқин орада бажарилиши лозим бўлган тадбирлар билан таништирсангиз?

— Дарҳақиқат, халқимизнинг ижтимоий ҳимояланишини мустаҳкамлашда Халқ банки муассасаларининг тутган ўрни бўлакча. Аниқроғи, ҳукуматимизнинг халқимизни ижтимоий ҳимоялаш борасида кўрсатаётган кўмаги бизга тобора катта масъулият юкламоқда. Бугунги кунда вилоятимиз аҳолисига ҳамда корхона ва ташкилотларга 100 га яқин банк хизмати турлари кўрсатилмоқда. Мавжуд 15 та бўлим, 670 га яқин банк шаҳобчалари мунтазам равишда аҳоли хизматида бўлмоқда. Вилоятимизда истиқомат қилувчи аҳолининг 40 фоизига яқини Халқ банки муассасаларидаги ҳисоб варақаларида ўз маблағларини сақламоқда. Аҳоли жамғармаларини омонатга жалб этиш, маиший тўловлар қабул қилиш, ишчи ва хизматчилар иш ҳақини ўз вақтида тарқатиш каби хизмат турлари ходимларимиз томонидан амалга оширилаяпти. Ўтган йилнинг июнь ойидан то йилнинг охиригача 900 миллион сўмга яқин индексация маблағларини олиб тарқатдик. Аниқроғи, 1998 йилда тарқатилиши лозим бўлган маблағларнинг деярли 90 фоизи эгаларига тегди.

— Тўғриси, илгари Халқ банки муассасаларидан одамлар баъзида норози бўлиб гапирашарди. Энди-чи?

— Шу кунларда Халқ банки фаолиятига доир эътирозлар камайди. Дастлаб бу тизимда юксак хизмат маданиятини жорий этдик. Аҳоли ҳаққига кўз олайтирадиган ходимлар ишдан четлатилди. 4 ой ичида аксарият камчиликлар бартараф этилди.

Халқ банкининг муҳим хизматларидан бири — аҳоли қўлидаги бўш пулларни омонатга жалб этишдир. Ҳозирги кунда аҳоли учун ўндан ортиқ омонат турлари мавжуд. Одамларнинг банкка бўлган ишончи ортаяпти. Ҳатто айрим корхона ва ташкилотлар ойликни банк орқали олишни ташкил этганлар. Бу хизматчига ўз ойлигини керакли вақтда кераклигича олиш имкониятини бермоқда. Умуман, омонатчиларнинг манфаатдорлиги кейинги вақтда долзарб масалага айланиб қолмоқда. 1998 йилнинг 25 декабридаги Халқ банки омонатчиларининг манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, банк фаолиятининг халқаро андозаларга мувофиқлигини таъминлаш мақсадида Президентимизнинг «Давлат тижорат Халқ банкини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони фаолиятимизда дастуриламал бўлмоқда. Унда Халқ банкини 2002 йил 1 январига қадар барча турдаги солиқлардан озод қилиш, бўш маблағларни банк инфратузилмасини ривожлантиришга йўналтириш таъкидланган. Халқ банки низом жамғармасини 3 миллиард сўм миқдорида белгилаш, унинг манбаларини Молия вазирлиги ва республика Марказий банки кўрсатмалари асосида шакллантириш, Халқ банки ресурсларини фуқароларнинг омонатларини тўла сақланишини кафолатлайдиган, талаб катта бўлган ишончли ва кўп даромад келтирадиган сарфларга жойланишини таъминлаш, Халқ банкига бўлган халқимизнинг, корхона ва ташкилотларнинг ишончини янада оширади.

Илҳом ҚАРОМОВ суҳбатлашди

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки



Лойиҳаларни молиялаш марказига, шунингдек, банкнинг вилоят бўлинмаларидаги инвестиция бўлимларига мутахассисларни

Ишга таклиф этади

(Номзодлар суҳбат натижаларига кўра танланади)

МУРОЖААТ ҚИЛУВЧИЛАР:

- капитал қурилишларни молиялаш, кредитлаш усулларини ҳамда назорат ўлчамлари олиш методикасини билиши;
- иқтисодий-қурилиш, қурилиш соҳасида олий маълумот олган, банк тизимида ва капитал қурилиш бўлимларида камида 3 йил ишлаган бўлиши афзалроқ ҳисобланади.

Тел: (371) 137-62-73, 137-62-74, 137-62-75.

NBU

«Лаззат»

очиқ акционерлик жамияти 1998 йил якунлари бўйича акционерларнинг умумий мажлиси ўтказилишини

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Мажлис 1999 йил 11 июнь соат 11⁰⁰ да қуйидаги манзилда: Гулистон шаҳри, Аҳмедов кўчаси, 3-уйда ўтказилади.

Мажлис иштирокчилари эрталаб соат 9⁰⁰ дан бошлаб рўйхатдан ўтадилар.

Кун тартиби:

1. Жамиятнинг 1998 йилдаги фаолияти натижалари тўғрисида Кузатув кенгашининг ҳисоботи, жамиятнинг йиллик ҳисобитини тасдиқлаш ва ҳоказолар.
2. 1998 йил якунлари бўйича ревизия комиссиясининг хулосаси.
3. 1998 йил учун молиявий ҳисоботнинг ҳаққоний эканлигини тасдиқлаш тўғрисида Аудиторлик ташкилотининг хулосаси.
4. Ташкилий масалалар.

Кузатув кенгаши

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманида жойлашган «Хушбахт-савдо» хусусий фирмасининг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ислом КАРИМОВ:

Асрлар туташ келган паллада бутун инсоният, мамлакатимиз аҳолиси жуда катта экологик хавфга дуч келиб қолди. Буни сезмаслик, қўл қовуштириб ўтириш — ўз-ўзини ўлимга маҳкум этиш билан баробардир. Афсуски, ҳали кўплар ушбу муаммога бепарволик ва масъулиятсизлик билан муносабатда бўлмоқдалар... Табиат ва инсон ўзаро муайян қонуниятлар асосида муносабатда бўлади. Бу қонуниятларни бузиш ўнглаб бўлмас экологик фалокатларга олиб келади.

Она бўла қолгил, бизга табиат

Экология ва халқаро ҳамкорлик

Инсон ҳаёт фаолияти учун қулай экологик шарт-шароит яратиш, одамларнинг ҳаётий манфаатлари — саломатлигини таъминлаш, барқарор экологик вазиятни вужудга келтириш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан биридир. Кейинги йилларда республикамизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш юзасидан катта тадбирлар амалга оширилди. Айниқса, давлатимиз мустақилликка эришгандан кейин республика ҳукумати атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, бу борада хорижий давлатлар, ташкилотлар, уюшмалар билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш, улар билан узвий ҳамкорликни кучайтириш масалаларига алоҳида аҳамият бериб келмоқда.

Бинобарин, экологик вазиятлар, атроф-муҳит муҳофазаси чегара билмайди. Айниқса, бизнинг минтақадаги давлатлар барча экологик муаммоларни биргаликда, ҳамкорликда ҳал этишлари зарур. Чунки, улар бир дарёдан сув ичадилар, бир ҳаводан нафас оладилар, бир заминда яшайдилар. Шунинг учун ҳам атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича халқаро ҳамкорлик республикамиз ташқи сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланган. Халқаро ҳамкорлик эса асосан Орол ҳавзасидаги экологик вазиятни яхшилаш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси генетик фондини сақлаб қолиш, ер, сув, атмосфера ҳавоси ифлосланишини олдини олиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш доирасида олиб борилмоқда.

1993-1999 йилларда республикамизда Орол муаммоларига бағишлаб бир қатор кенгашлар, семинарлар, конференциялар ва бошқа анжуманлар ўтказилди. Тошкент—Урганч шаҳарларида бўлиб ўтган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ)нинг «Атроф-муҳитни тиклаш»га бағишланган халқаро семинарида эса Ўрта Осиёда атроф-муҳитни тиклаш бўйича кўриладиган тадбирлар ва унда жаҳон ҳамжамиятларининг иштироки муҳокама қилинди. Шунингдек, 1996 йили Орол денгизи ҳавзасида барқарор экологик ривожланишни таъминлаш бўйича ЕХҲТ нинг халқаро семинари ўтказилди.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг илмий текшириш институтлари Норвегия мамлакати мутахассислари билан ҳамкорлик қилиб ўзлари тайёрлаган «Ўзбекистон Республикасида экологик ахборот тизими» лойиҳасини нашр эттиргани ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. Шунингдек, халқаро ривожланиш бўйича Япония агентлиги билан ҳамкорликда Орол минтақасидаги олтита шаҳарга тоза ичимлик суви етказиб беришнинг техник-иқтисодий асослари лойиҳаси ишлаб чиқилди. Швейцария ҳукуматининг молиявий ёрдамида таҳлилий назоратга ихтисослашган давлат инспекциясининг лабораториялари асбоб-ускуналар, кимёвий реактивлар билан таъминланди. Яна айни пайтда жаҳон банки ҳомийлигида Ўзбекистон Республикасининг табиатни муҳофаза қилиш ва экологик вазиятни яхшилаш бўйича миллий ҳаракат режаси ишлаб чиқилмоқда.

Республикамиз бир қатор конвенцияларга ҳам қўшилган. Иқлимнинг ўзгариши бўйича конвенция (1993 йил 14 май), Биологик хилма-хилликни таъминлаш бўйича конвенция (1996 йил 7 май), Хавфли чиқиндиларнинг чегарадан олиб ўтилишини назорат қилиш бўйича Базель конвенцияси (1996 йил 7 май), Ерларнинг чўлга айланиб қолишига қарши кураш бўйича конвенция (1995 йил 13 октябрь)лар шулар жумласидандир.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси бу конвенцияларда қабул қилинган мажбуриятларини бажариш бўйича қатор амалий чоралар кўрмоқда. Жумладан, атмосфера ҳавосининг озон қатламини муҳофаза қилиш бўйича Вена Конвенцияси ва Монреаль Протоколи доирасида озон қатламини емирадиган моддалар инвентаризацияси ўтказилиб, Миллий ҳаракат дастури тайёрланмоқда. Бу дастур асосида биологик хилма-хилликни сақлаш бўйича барча тадбирлар Ўрта Осиё республикалари билан ҳамкорликда амалга оширилади. Ҳозирги вақтда эса ҳукуматимиз Ўзбекистон Республикасининг БМТ Европа Иқтисодий Комиссияси Конвенцияларига қўшилиши устида иш олиб бормоқда. Шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасида Туркия Республикаси (1996 йил 8 май), Хитой Халқ Республикаси (1997 йил 11 декабрь) давлатлари билан икки томонлама ҳамкорлик битимлари имзоланган. Бундай битимларни бошқа давлатлар билан тузиш учун ҳам тайёргарлик мавжуд.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Давлатлараро Экологик Кенгаш (ДЭК)нинг фаол иштирокчиси ҳисобланади. ДЭК ташкил этилгандан бери саккиз марта сессия (3-сессия 1993 йил май ойида Тошкентда) ўтказилган, уларда экология соҳасида иштирокчи давлатлар ўзаро ҳамкорлигининг долзарб масалалари муҳокама қилинди, қатор битимлар имзоланиб, низомлар ишлаб чиқилди.

МДҲ доирасида ҳам атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси, Туркманистон, Грузия билан икки томонлама ҳамкорлик битимлари имзоланган.

Ўтган йили июнь ойида Даниянинг Орхус шаҳрида атроф-муҳит муҳофазасига бағишлаб ўтказилган тўртинчи Халқаро конференцияда Ўзбекистон Республикаси вакиллари ҳам иштирок этди. Конференция ишида атроф-муҳитни транспорт воситалари билан ифлосланишини ва иссиқлик электр станциялари чиқиндиларини камайтириш, қишлоқ хўжалигида турли заҳарли ўғитлар ишлатилишига барҳам бериш каби қатор масалалар кўрилди ва Ўзбекистон Республикасида ҳам худди шу йўналишда ишлар олиб борилаётгани конференция қатнашчиларига маълум қилинди. Конференцияда янги мустақил давлатлар эҳтиёжларига эътиборни қаратиш, айниқса, Ўрта Осиёдаги давлатларга донорлик ёрдамини кучайтириш, унинг самарали йўлларини излаб топишга қарор қилинди. Тошкентда худди шундай муаммоларни муҳокама этиш учун Ўрта Осиё давлатларининг юқори даражадаги вакиллари иштирокида ўтган йилнинг сентябрь ойида ҳам «Атроф-муҳитнинг минтақавий муаммолари ва уларни биргаликда ҳал этиш йўллари» мавзусида уч кунлик семинар бўлиб ўтди. Семинар Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти билан Ўзбекистон ҳукумати ҳамкорлигида ташкил этилган эди. Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти координатори Томас Франснинг таъкидлашича, семинарга қадар мутахассислар томонидан минтақадаги республикаларнинг атроф-муҳити, экологик ҳолати ўрганилган. Вазифа эса битта — ушбу муаммоларни муҳокама этиш ва уларнинг энг мақбул ечимини топиш.

Хулоса қилиб айтганда, атроф-муҳит муҳофазаси ва экологик вазиятни яхшилаш барча давлатлар, халқаро ҳамжамиятлар, ҳукумат уюшмалар билан ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш орқалигина барқарор иқтисодий ривожланиш, табиат ресурсларидан самарали фойдаланиш, экологик тангликни бартараф этиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш имкониятига эга бўламиз. Мамлакатимизнинг соҳадаги барча саъй-ҳаракатлари ҳам ана шу мақсадга қаратилган.

Асхад ҲАБИБУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси

Табиатни ифлослайдиган моддалар

Огоҳ бўлинг!

1. Карбонат ангидрид — *таркибида турли хилдаги углерод бирикмалар (энергетика, саноат, иситиш)нинг ёнишидан ҳосил бўлади. Бу газнинг атмосферада кўпайиб кетиши Ер юзидаги ҳароратни ошириб юборади, бу геокимёвий ва экологик фалокатларга олиб келади.*

2. Углерод оксиди — *Кўмир ва нефть ёнилғиларининг тўла ёниб битмаслигидан ҳосил бўлади. Асосий манбалари: металлургия саноати, нефть ҳайдайдиган заводлар ва ичдан ёнар двигателлар. Баъзи бир олимлар фикрича, бу заҳарли газ атмосфера юқори қатламидаги иссиқлик мувозанатининг бузилишига олиб келади.*

3. Олтин-гугуртли газ — *Энергетика ва саноат корхоналаридан чиқадиган тутун таркибида, ишлатилган газда ва маиший ёқилғида ҳосил бўлади. Ҳаво бу газ билан ифлосланганда одамнинг кўриш, нафас олиш ва эшитиш органлари заҳарланади, дарахтлар ва бошқа ўсимликларга зарар келтиради, оҳактошли уйларни, баъзи бир синтетика тўқима ва материалларни емиради.*

4. Азот оксиди — *Асосий манбалар: ичдан ёнар двигателлар, реактив самолёт двигателларидан, домна, кимё саноати, ўрмоннинг ёниб кетишидан ва кимёвий ўғитларнинг ҳаддан ташқари кўп ишлатилишидан ҳосил бўлади.*

5. Фосфатлар — *Оқава сувларда бўлади. Бу сув кимёвий ювиш воситаларидан, ўғитлар, шўр ювишдан ва ферма оқизиқларидан ҳосил бўлади. Улар дарё ва кўлларни асосий ифлословчи модда ҳисобланади.*

6. Симоб — *Қазилма ёқилғилар ёнишидан ҳосил бўлади. Лаклбўёқ чиқитларида учрайди. Рудаларни бойитишда ва қоғоз-целлюлоза саноатида ҳосил бўлади. Симоб озиқ-овқат маҳсулотларини, айниқса денгиз маҳсулотларини ифлослайди. Организмга тўпланиб, нерв системасига таъсир кўрсатади.*

7. Кўрғошин — *Детонацияга чидамлигини ошириш учун бензинга қўшилади, ишлатилган газда учрайди. Кўрғошин рудасини қайта ишлайдиган корхоналарда, кимё саноатида ва пестицид моддасида, денгиз қолдиқлари ва чучук сувларда ҳам бўлади.*

8. Нефть — *Нефтни қазиб олишда ва тозалашда, ташишда ҳосил бўлади. Баъзан оғир экологик оқибатларга олиб келади: қирғоқларни ифлослайди. Денгиз ҳайвонлари (балиқ, денгиз қуши, сутэмизувчилар)ни ҳалок қилади.*

9. ДДТ ва бошқа пестицидлар — *Асосан қишлоқ хўжалигида ишлатилади. Қисқичбақасимонлар учун ўта заҳарли. Сувга тушса балиқларни ҳалок қилади, озиқ-овқатга тушса, уни еган одам зарарланади. У тупроқдаги фойдали ҳашоратларни ўлдиради.*

10. Радиация — *Ядро иссиқлигини ишлаб чиқаришда ҳосил бўлади. Атом қуроллари синалганда, кемалардан фойдаланилганда, ядро ёнилғиси ишлатилганда ҳосил бўлади. Радиоактив нурланиш тиббиётда ва илмий тадқиқотда қўлланилади.*



Сангардак шаршараси

Жаннатмакон Чоткол

Тошкент шаҳрининг шимолий шарқий томонида, Тянь-шан тоғининг гўзал ён бағирларида республикамизнинг энг кўҳна қўриқхоналаридан бири Чоткол давлат биосфера қўриқхонаси жойлашган. Унинг умумий майдони 45 минг гектар, қоялари денгиз сатҳидан 1200-3800 метргача баландликда. Чоткол тоғ-ўрмон қўриқхонаси 1947 йилда ташкил этилган бўлиб, шундан буён у табиатнинг ўзига хос лабораторияси вазифасини ўтаб келмоқда. 1986 йилда жаҳондаги эн йирик қўриқхоналар рўйхатига киритилди ва 1991 йили унга Халқаро биосфера қўриқхонаси мақоми берилди.

Қўриқхонада 68 оилага мансуб 1000 дан зиёд ўсимлик турлари учрайди, улардан 200 тури шифобахш ўсимликлардир. Бу ерда Қизил китобга киритилган совунилдиз, Кауфман лоласи, Писком пиёзи, Коопман нормушки ўсимликлари, бутасимонлардан — оқбоштикон, Альтман наъматаги, қизилқом, чақамиқ, тоғарпа ва бошқалар учрайди.

Қишин-ёзин қаерга қараманг, мудом кўм-кўк бўлиб яшнаб турган арчаларга кўзингиз тушади. Тоғнинг майин шамолида кумушранг тераклар, мажнунтоллар аста тебраниб турганлигини гувоҳи бўласиз. Текисликларда ёнғоқзорлар, қайинзорларни учратиш мумкин. Бу ерда доривор облепиха, бодом, олча, ёввойи нок, рябина кабилар ўсади.

Қўриқхонанинг қулай табиий шароити бу ерда умуртқали, умуртқасиз, сутэмизувчи ҳайвон турларини кўпайтириш имкониятини беради. Қўриқхонада 200 тур қуш, 33 тур сутэмизувчилар, 11 тур судралувчилар, 4 тур балиқларни учратиш мумкин. Қушлар орасида чўл маймунқуши, оқбош хирилдоғи, калхат, бургут, қузғун кабилар, сут эмизувчилардан тоғ такаси, олмахон, суғур, қўён кабилар кўп учрайди. Қўриқхонанинг Альп ўтлоқларидан то қор билан қопланган тоққача бўлган табиати ғоятда гўзал ва мафтункор. Бошқизилсой, Серкалисой, Каттасой қўриқхонанинг асосий дарёлари бўлиб, уларга кўплаб катта-кичик шаршаралар, ирмоқлар келиб қўшилади. Хуллас, бу ерда она табиатни асл ҳолатида кўрасиз.

Чоткол тоғ-ўрмон биосфера қўриқхонаси — инсониятнинг табиат оламига, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига бўлган меҳр-муҳаббатининг рамзи сифатида асрлардан бери тоғлар қўйнида савлат тўкиб турибди.

Акромжон СОДИҚОВ

Ҳикматлар

Агар ҳавода тутун билан чанг бўлмаганида одамлар минг йил яшарди.

Табиатда ҳамма нарса бебаҳо, бироқ сув бутун табиат гўзаллигидир.

Табиат ҳазилни тан олмайди, у ҳамиша ҳаққоний, ҳамиша қатъий, ҳамиша ҳақ. Хатоликлар ҳам, адашишлар ҳам фақат одамлардан келиб чиқади.

Олимларга таклифим бор

Илгари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида турли хил пестицидлар ва бошқа заҳарли моддалар ишлатилиб келинган. Жумладан, бизнинг вилоятимизда ҳам бундай кимёвий моддалар кенг майдонларда жуда юқори нормаларда ишлатилган. Улар эса тупроқ таркибида тўпланиб қолиб жуда секин парчаламоқда. Ваҳоланки, кейинги ўн йил ичида уларнинг қўлланиши 5-10 марта камайиб кетди.

Ҳозирги вақтда заҳарли моддалар сақланган омборхоналар ва самолётлар қўниш майдончаси атрофида деҳқончилик қилиш ман этилган. Чунки, бу ерларнинг тупроқ таркиби ўрганилганда, ундаги заҳарли моддалар рухсат этилган меъёрдан 100 баробар ва ундан ҳам кўп даражада юқорилиги аниқланган. Шунинг учун улар қаттиқ назоратга олинган.

Очиғини айтганда, собиқ иттифоқ даврида «мерос» бўлиб қолган бундай майдончалар фақат бизнинг вилоятимизда эмас, балки республикамизнинг деярли барча вилоятларида учрайди. Таҳлилий назоратга ихтисослашган давлат инспекцияси маълумотларига қараганда, республикамизда уларнинг сони 463 та бўлиб, бу юзлаб гектар ерларимизнинг деҳқончилик қилинмай бекор ётганлигини кўрсатади. Ҳар бир қарич ерни деҳқонларимиз эҳтиёт қилаётган бир шароитда бундай жуда катта ер майдонларидан фойдаланмаслик хўжасизлик эмасми? Шундан келиб чиқиб олимларимизни қишлоқ хўжалигида тўпланиб қолган пестицидларни тез парчалайдиган бирикма ўйлаб топишга чақирмоқчиман. Бу деҳқончилик учун яроқли жуда катта ер ресурсларига эга бўлиш имкониятини беради.

Н. ЭШПЎЛАТОВ

Саҳифа материалларини Содиқ МЎМИНОВ ва «Ўзбекистон овози» мухбири Нурбек ТОШНИЕВ тайёрлади

Соҳибқирон Амир Темур ўгитлари

Хароб бўлиб ётган ерлар эгасиз бўлса, холиса (давлат даромадлари ва ерлари билан шуғулланувчи мансабдорлардан иборат ҳайъат) тарафидан обод қилинсин. Агар эгаси бўлсаю, (лекин) обод қилишга қурби етмаса, унга турли асбоблар ва керакли нарсалар берсинлар, токи ўз ерини обод қилиб олсин.

***

Хароб бўлиб ётган ерларда коризлар (ер остида ўтган сув йўли) қурсинлар. Бузилган кўприкларни тузатсинлар, ариқлар ва дарёлар устида (янги) кўприклар қурсинлар, йўл устида ҳар манзилгоҳга работлар қурсинлар, йўлларга кузатувчи ва соқчилар қўйсинлар, ҳар бир работ (карвон қўниб ўтадиган жой) бир неча одамни жойлаштирсинки, йўлларни кузатиш ва сақлаш ишлари шуларга тегишли бўлсин. Йўловчилар молларини ғафлат босиб, ўғирлатиб қўймасликларининг вазифаси ҳам ўшаларнинг зиммасида бўлсин.

***

Адлу эҳсон билан жаҳон гулшани обод бўлади.

***

Ҳамиша таъкид этур эрдим, хон бўлсанг-да боғ ярат, гадо бўлсанг-да боғ ярат — бир кунмас бир кун мевасини татирсан.

Ҳамиша биз билан бирга бўлинг!

Реклама ва эълонлар учун телефонлар:

«Ўзбекистон овози» — 133-47-80,
«Голос Узбекистана» — 136-26-70,
«Осиё бозори» — 133-38-55

(Газетанинг навбатдаги сони 8 май, шанба куни чиқади)

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-76-04
Котибият — 133-21-43
Факс — 133-47-80, 133-38-55, 133-73-43, 133-72-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Алишер РЎЗИЕВ*, навбатчи *Шукур ЖАББОРОВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ҲАМИДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004
Газета офсет усулида, А—2 форматда, 23.681 нусхада босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г —0353

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 00.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА